

Единый портал корпоративной информации

Объявления

"Qo'qon NGPI" AJ; "Қўқон НГПИ"АЖ, АО"Кукон НГПИ"

Объявление

"QO'QON NEFTGAZ PARMALASH ISHLARI" AKSIYADORLIK JAMIYATI, "ҚЎҚОН НЕФТГАЗ ПАРМАЛАШ ИШЛАРИ"АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

ЭЪЛОН

“Қўқон НГПИ” АЖ директори лавозимига танлон эълон қилинади.

“Қўқон НГПИ” акциядорлик жамияти директорини танлов асосида саралаб олиш”

Регламентига асосан жамият овоз берувчи акцияларнинг камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлари танловда иштирок этиш учун ўз номзодларини таклиф этиш ҳуқуқига эга.

Жойлашиш манзили: Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри, Истиклол кўчаси-63 уй.

Фаолиятининг асосий йўналишлари: Нефт ва газ қудуқларини пармалаш.

Лавозим номи: “Қўқон НГПИ” АЖ директори.

Вазифалар: Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва “Қўқон НГПИ” АЖ уставига асосан жамиятнинг барча фаолият турларига умумий раҳбарлик қилиш.

Танлов иштирокчиларига қўйиладиган талаблар:

Олий (юридик, иқтисодий, техник (муҳандислик)) маълумот;

Тил билиш: давлат тилида эркин мулоқот (чет-эл менежерлари учун шарт эмас);

Акциядорлик жамияти ижро органининг норматив ҳужжатлари ва лавозим йўриқномаси билан белгиланган мажбуриятларни бажариш учун талаб этиладиган профессионал билим ва кўникмаларга эга бўлиш;

Мутахассислик бўйича 5 йилдан кам бўлмаган муддат давомида тажрибага эга бўлиш;

Бошқарув тартибига қарши жиноят ёки иқтисод соҳасида жинояти учун судланмаганлик;

Охиригки икки йил давомида банкрот деб топилган юридик шахсни ижро органи аъзоси ёки унинг вазифаларини бажарувчи шахс бўлмаслик;

Кучга кирган суд қарори ва тиббий муассаса хулосасига асосан лаёқатсиз деб тан олинган бўлмаслик.

Танловда иштирок этиш учун ташаббускор томонидан жамиятга тақдим этиши шарт бўлган ҳужжатлар:

- тақдим этилган ҳужжатлар рўйхати ва алоқа маълумотлари кўрсатилган ҳолда танловда иштирок этиш учун ариза;

- шахсини тасдиқловчи хужжат нусҳаси, меҳнат дафтарчаси нусҳаси ёки меҳнат тажрибасини тасдиқловчи хужжат, олий маълумот тўғрисидаги хужжат нусҳаси, ҳамда қўшимча маълумотга эга бўлганлиги тўғрисидаги хужжатлар нусҳаси;

- 1-иловадаги шаклга асосан номзод анкетаси;

- лавозим мажбуриятларини бажаришни тасдиқловчи тиббий маълумотнома;

- танлов таклифи (**алохида конвертда ёпилган ва клейланган ҳамда имзоланган ҳолда тақдим этилиши шарт**).

Танлов таклифи номзод томонидан ҳақиқатдаги молия-хўжалик фаолияти кўрсаткичлари асосида ишлаб чиқилади ва ўрта истиқболда корхонани ривожлантиришни стратегик режаси кўзда тутилган бўлиши керак, бунда:

- корхонани келгуси йилга мулжаланган бошқариш бўйича аниқ режа;

- корхонани вазифаларини самарали ижро этиш ва хатарларни таҳлил қилиш натижалари ҳамда корхона техник-иқтисодий ва молиявий кўрсаткичларини яхшилаш ва рақобатбардошлигини ошириш бўйича таклиф;

- корхонани ривожлантириш учун инвестиция жалб қилиш бўйича таклиф;

- корхонани асосий молия-хўжалик фаолияти кўрсаткичларини яхшилаш бўйича таклиф;

- жамиятда корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича таклиф.

Аризалар 2022 йилнинг 25 мартгача қабул қилинади; душанба-жума кунлари 08.00 дан 17.00 гача (махаллий вақт бўйича) Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри, Истиқлол кўчаси 63- уй. Электрон манзил: kngpi@mail.ru (mailto:kngpi@mail.ru), Танловда иштирок этиш ва ўтказилиши билан боғлиқ қўшимча маълумот олиш учун жамиятнинг ходимларни бошқариш бўлимига мурожаат этишингизни сўраймиз.

+99894 550-77-37, +99894 550 -02-90.

03.03.2022

Источник: <https://openinfo.uz/uz/announce/12865/>

Дата: 25.06.2026